



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR
MAHKAMASI HUZURIDAGI TA'LIM SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKSIYASI



TSBM

TALIM SIFATINI BAHOLASH BO'YICHA
XALQARO TADQIQOTLARNI AMALGA
OSHIRISH MILLIY MARKAZI

Таълимдаги халқаро тадқиқотларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни

*мавзусидаги халқаро илмий-амалий
конференция*

АХБОРОТ ХАТИ

2022 йил 11-12-апрель кунлари

АХБОРОТ ХАТИ

Ҳурматли иштирокчилар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази сизни **2022 йил 11-12-апрель кунлари** Тошкент шаҳрида ўтказиладиган **“Таълимдаги халқаро тадқиқотларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиш учун таклиф қилади.

Ушбу халқаро конференция Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан **Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)** ўртасида имзоланган шартнома асосида **2022 йил апрел-май ойларида** Ўзбекистон умумтаълим муассасаларида **“Ўқувчиларни баҳолаш халқаро PISA 2022 дастури”** асосий синов жараёнларининг рамзий очилишига бағишланади.

Халқаро конференция ташкилотчилари: Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги, Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD), ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО

Халқаро конференциянинг мақсади: Ўзбекистонда таълимдаги ислохотлар ҳақида халқаро ҳамжамиятнинг хабардорлигини ошириш, мамлакатимизнинг таълимга оид нуфузли халқаро рейтингда намоён бўлиши ҳамда нуфузининг мустаҳкам-ланишига эришишнинг илмий асосларини яратиш. Таълим сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштиришда халқаро талабларни жорий қилиш.

Халқаро тадқиқотларда мамлакат иштирокининг муҳимлиги ва уларнинг инсон капиталини ривожлантириш ҳамда юртимизнинг стратегик ривожланишидаги аҳамияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш. Шунингдек, таълим соҳасидаги йирик халқаро ташкилотлар ва нуфузли экспертларнинг фикрлари ва тавсияларини олиш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда нуфузини юксалтириш орқали хорижий инвестициялар оқимини кенгайтиришдан иборат.

Халқаро конференциянинг долзарблиги: Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини

2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон фармонида кўра Ўзбекистоннинг Ўқувчиларни баҳолаш халқаро PISA дастури рейтингда жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакатлари қаторига киришига эришиш мақсадлари белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон қарорига мувофиқ таълим тизимида ўқиш, математика ва табиий-илмий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб бориш, таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, ҳамкор лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларни ташкил этиш, халқаро баҳолаш дастурларини таълим жараёнига жорий этиш, ушбу соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда унинг асосида таълим муассасалари учун тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқишда иштирок этиш вазифалари долзарб масала сифатида қайд этилган.

Халқаро конференция қуйидаги йўналишлар бўйича мақолаларни қабул қилади:


- 1** Инсон капитални ривожлантириш
- 2** Таълим сифатини оширишда халқаро тадқиқотларнинг аҳамияти **(PISA, PIRLS, TIMSS, TALIS);**
- 3** Ўқувчиларнинг амалий кўникмалари, креативлигини баҳолаш ва ривожлантириш **(PISA мисолида);**
- 4** Таълим сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштиришда халқаро тажриба;
- 5** Ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлигини баҳолаш ва ривожлантириш **(PIRLS, PISA);**
- 6** Ўқувчиларнинг математик ва табиий-илмий саводхонлигини баҳолаш ва ривожлантириш **(PISA, TIMSS мисолида);**
- 7** Мактабларда бошқарув тизими ва муҳитини яхшилаш, ўқитувчилар мақомини ошириш **(TALIS мисолида).**

Халқаро конференциянинг расмий тиллари:

ўзбек, рус, инглиз тиллари.

Конференцияда халқаро ва хорижий ташкилотлар экспертлари, маҳаллий вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари, олий таълим муассасалари профессор ўқитувчилари, умумтаълим мактаблари педагоглари, ёш олимлар, таянч докторантлар ҳамда мустақил изланувчилар, таълим тизими бошқарув органлари вакиллари томонидан юборилган мақолалар қабул қилинади.

Мақолалар 2022 йил 5 апрелгача pisa2022conference@gmail.com электрон почтаси ҳамда [@pisa2022conference](https://www.instagram.com/pisa2022conference) телеграм манзилига юборилиши мумкин.



Конференция ташкилий қўмитаси манзили:

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси хузуридаги Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази.



Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси 21-уй (индекс 100115)



(998 71) 231-07-53 (3005)
(998 71) 207-97-98 (302, 312)
(998 90) 985-65-39, (88) 122-00-12



pisa2022conference@gmail.com



[@pisa2022conference](https://www.instagram.com/pisa2022conference)

“Таълимдаги халқаро тадқиқотларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни”

мавзусидаги халқаро конференция учун мақола тақдим этиш
Талабнома шакли

Давлат	
Ҳудуд	
Муаллиф (ҳаммуаллиф) Ф.И.О.	
Иш жойи	
Лавозими	
Илмий даражаси, илмий унвони	
Мақола номи	
Халқаро конференция йўналиши	
Боғланиш телефонлари	
Электрон манзил (e-mail)	

МАҚОЛАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР:

Мақола аннотация, калит сўзлар ва асосий матн (кириш, асосий қисм, олинган натижалар ва хулосалар) таркибий қисмларидан иборат бўлиши ҳамда қуйидаги техник талабларга мувофиқ тайёрланиши лозим:

- Аннотация 3 та (ўзбек, рус ва инглиз) тилларида 5-7 қатор;

- калит сўзлар 5-8 сўздан иборат бўлиши;

- мақола матни шрифти “Cambria”да, 14 ўлчамда, кирилл ёки латин алфавитида ёзилиши;

- қаторлар оралиқлари масофаси 1,5 интервалда, саҳифанинг чап томонидан 3 см, юқори ва пастдан 2 см, ўнг томондан 1,5 см масофа қолдирилиши;

- фойдаланилган адабиётлар рўйхати фойдаланилган манбаларнинг кетма-кетлигида расмийлаштирилади, адабиётларга ихтибосликлар квадрат қавсларда фойдаланилган адабиёт рақамини қўйиш билан белгиланади, масалан: [2] ёки [2, 286], автоматик тарзда берилган ихтибосликлар қабул қилинмайди);

- мақоланинг умумий ҳажми 3 бетдан кам бўлмаслиги ва 5 бетдан ошмаслиги;

- Мақоладаги ғоялар жадвал, чизма ёки расмларга оид далиллар билан мустаҳкамланиши лозим. Жадвал номлари унинг юқори қисмида, чизма ёки расм номлари уларнинг қуйи қисмида ёзилиши ҳамда уларнинг манбаси аниқ кўрсатилиши лозим;

- мақолалар ўзбек, рус, ёки инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин;

- мақола мазмуни конференция ва ундаги йўналишларнинг мақсадларига мувофиқ ҳолда, таҳлиллар ва далиллар асосида ёзилган бўлиши лозим;

Мақола матни ва талабнома (сахифалар рақамланмаган ҳолда) pisa2022conference@gmail.com электрон почтаси ҳамда @pisa2022conference телеграм манзилига юборилиши керак.

Мақолада ҳаммуаллифлар сони 2 дан ошмаслиги керак.

Бир муаллифнинг фақат битта мақоласи қабул қилинади.

Конференцияда иштирок этиш ва мақола юбориш **бепул!**

Эслатма! Мақола матни таҳрир қилинмайди ва оригинал деб ҳисобланади. Мақолалар антиплагиат тизими орқали текшириб кўрилади.

Мақолада берилган маълумотларнинг тўғрилигига муаллиф шахсан масъул ҳисобланади.

Тақдим этилаётган мақолаларнинг юқорида кўрсатилган талабларга тўлиқ риоя қилинган ҳолда тайёрланишига эътибор қаратиш сўралади.

Юқоридаги талаблар асосида тайёрланмаган, конференция мақсади ва йўналишларига мос бўлмаган мақолалар кўриб чиқилмайди, экспертизадан ўтмаган мақолалар чоп этилмайди, тўпламга киритилмайди ҳамда муаллифга қайтарилмайди.

МАҚОЛАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА НАМУНА:

УДК (10 пт)

“Таълим сифатини баҳолашнинг долзарб муаммолари”
(12 пт)

Каримов Мансур Алижонович (12пт)

п.ф.н, доцент (10пт)

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети,
Тошкент, Ўзбекистон (10пт)

Аннотация_уз (10пт)

Аннотация_ру(10пт)

Abstract-eng (10пт)

Таянч сўзлар:

Ключевые слова:

Keywords:

Мақоланинг асосий матни (12 пт)-----

Фойдаланилган адабиётлар (12 пт)

- 1.
- 2.